Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
2 июль
ШАНБА
№ 53 (12897)

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИГА 25 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз истиқлолининг 25 йиллигини кенг нишонлаш муносабати билан ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев) бир ой муддатда "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонлари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Д. Назармуҳамедов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 1 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 1 июлдаги ПФ-4807-сонли Фармонига 1-илова

«Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳалари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

2. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, вазирлик, идора ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, бунга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга унинг гувоҳномаси берилади.

4. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 1 июлдаги ПФ-4807-сонли Фармонига 2-илова

«Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишонининг ТАВСИФИ

"Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик нишонининг олд томони марказида қуёш нурлари фонида Мустақиллик майдонида жойлашган Мустақиллик ва эзгулик монументида акс эттирилган Бахтиёр она ҳайкали тасвирланган. Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб зарҳал ҳошия билан ўралган оқ эмалли доирада "O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGIGA" сўзлари, пастки қисми марказида эса иккита саккиз қиррали юлдуз оралиғида "25 YIL" ёзуви акс этган. Ёзувлар зарҳалланган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат

«O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGIGA 25 YIL»
эсдалик нишони

Олд томони



Орқа томони



герби, пастки қисмининг марказида "2016" ёзуви тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабариқдир.

Эсдалик нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабариқ доира билан ўралган.

Эсдалик нишони илгакчалар ва ҳалқача ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағич билан туташтирилган. Қадағич Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги, эни 20 миллиметрли шойи лента билан қопланган.

Қадағичнинг бўйи - 16 миллиметр, эни – 25 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонига эсдалик нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг маънавий ҳаётимизда эзгулик, шукроналик, меҳр-оқибат каби олижаноб қадриятларни қарор топтиришдаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, миллий-диний анъаналаримизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2016 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 6 июль чоршанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини эътиборга олиб, 2016 йил 6 июль дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитини жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтказиш учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 1 июль

❑ Муносабат

МАСЛАКДОШЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Эътибор ва рағбат инсонни ҳамиша эзгу амалларга чорлаб туради. Хусусан, мамлакатимиз раҳбарининг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриги соҳа вакилларига беқиёс кўтаринкилик улашди.

Унда журналистларимизнинг мамлакатимизда ва дунёда бўлаётган янгиликларни оммага тезкорлик билан етказиш борасидаги шарафли, машаққатли меҳнати самимий эътироф этилиб, юксак ишонч билдирилгани танлаган касбимизга нисбатан ғурур ва ифтихор ҳиссини жўш урдирди. Улуғ ишлар йўлида собитқадамлик, маслакдошлик туйғуси, аввало, қалам тутган ижодкорнинг кўнглида бўлса, кейингина ана ўша туйғу минглаб, миллионлаб юртдошларимизга – ўқувчиларга кўчади.

Давоми 2-бетда.

2 июль – Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсоллардир. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарога ғурур, фахр-ифтихор бағишлайди.

ФАХРУ ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ


Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари – Давлат герби, Давлат байроғи, Давлат мадҳияси азиздир. Шу боис, байроғимиз ёки гербимизга назар солганимизда ёки мадҳиямиз янграганда биз руҳан жўшқинликни, азму шижоатимиз ошганини, қалбимизда ғурур ва буюк истиқболга ишонч туйғусини ҳис этамиз.

Давоми 2-бетда.



БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ПАЛЛАСИ

Мустақиллик йиллари бекободлик металлурглар учун ҳам янгиланиш, юксалиш, тараққиёт даври бўлди.



Ўзбекистон металлургия комбинати мутахассис ва ходимларининг ҳар бир жараёнга илмий асосда ёндошиши, ташаббускорлиги натижасида корхона истиқлол йилларида прокат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи турдош корхоналар ўртасида ўз мавқеини янада мустаҳкамлади. Юртбошимизнинг "Ўзметкомбинат"нинг 60 йиллик тўйи муносабати билан йўллаган табригида таъкидланганидек: "...бекободлик металлурглар жамоалари Ўзбекистон оғир саноатининг етакчиси эканлигидан ҳақли равишда фахрлансалар арзийди".

Зотан, бу шарафга эришиш учун комбинат жамоаси машаққатли йўлни босиб ўтди. Комбинатда маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ва қўшимча қувватларни ишга туширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, республикамиз кон-металлургия ва цемент саноати учун пўлат золдирлар хориждан келтириларди. Бекободлик металлурглар истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ бу маҳсулотни ўзларида ишлаб чиқариш ҳаракатини бошлаб юборишди. 1994 йилда комбинатда диаметри 67-80 мм. бўлган пўлат золдирлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган иккита прокат стани қурилди. Эришилган ютуқлардан руҳланган прокатчилар кейинчалик диаметри 100 мм, сўнг 120 мм. ва 40 мм. бўлган пўлат соққаларни ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишди. Натижада, бу маҳсулотларни хориждан харид қилишга сарфланаётган катта миқдордаги маблағ тежалиб, комбинатнинг фойда олиш имконияти беқиёс даражада кенгайди.

Жамоа 1997 йилда маҳаллий хом ашёлардан метиз маҳсулотлари, пайвандлаш ва эритиш йўли билан олинадиган симларни ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштирди. Металлурглар эритилаётган пўлат сифатини янада яхшилаб, уни жаҳон андозалари даражасига етказишни мақсад қилишган. Шу мақсадда 1999 йилда пўлатга печдан ташқарида ишлов бериш қурилмаси ишга туширилиб, пўлат эритиш вақти камайди, сифати яхшиланди. Тез орада "АКАр-6-2" кислород блоки қурилиб, пўлатга аргон билан ишлов беришнинг янги усулига ўтилди. Айни чоғда аргон гази билан республикамиз саноат корхоналарининг эҳтиёжи ҳам қондирилмоқда.



Металлурглар қўлга киритилган ютуқлар билан чекланмасдан пўлат эритишнинг янада замонавий технологияларини ўзлаштира бошладилар. Жумладан, 2002 йилдан электр печларни янгиларига алмаштириш билан бирга электрда пўлат эритиш цехи қайта таъмирланди. Янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобига электр энергияси, ўтга чидамли материаллар ва графитланган электродлар сарфи камайди. 2008 йилда ушбу печнинг газ тозалаш қурилмаси реконструкция қилиниб, ишга туширилди. Илгари электр печидан чиқаётган газ ва чанг ҳар куб метрда 90 миллиграмм эди. Реконструкциядан сўнг 12-15 миллиграммдан ошмайдиган бўлди. Бу жаҳон экологик талабларига тўлиқ мос келади.

Давоми 2-бетда.

❑ Таълим

Энг улуғ, энг азиз айём – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш учун барча соҳаларда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бошланғич таълим фидойилари ҳам шу йилнинг 13-14 июль кунлари бўлиб ўтадиган "Бошланғич таълим ўқитувчилари форуми"га муносиб туҳфа ҳозирлашмоқда.

МУЛОҲАЗА, МУШОҲАДА, МУҲОКАМА

Миллий таълим-тарбия тизимини сифат ва самара жиҳатидан янги босқичга олиб чиққан "ўзбек модели"нинг ноёблиги шундаки, у шахс камолотига йўналтирилган бўлиб, ўқувчининг борлиққа ва ўз-ўзига муносабатини умумбашарий ва миллий қадриятлар уйғунлигида шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган. Бу ўқувчининг нафақат фаол ва мустақил бўлиши, балки шахсий муносабатини ифодалаб, эркин фикри ва нуқтаи назарини асослай олишини ҳам назарда тутади. Шунга кўра, форум бошланғич таълимнинг самарадорлигини оширишга замонавий ёндашув, бошланғич таълимда инновацион таълим технологиялари ва чет тилларини ўқитишда замонавий технологияларни қўллашни назарда тутувчи долзарб масалаларга бағишланмоқда.

Бошланғич синф ўқитувчисининг касбий салоҳияти, болалар психологияси, ҳозирги замон бошланғич таълим методикасини яхши билиши таълим сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга ўқувчиларда зарур кўникмаларни шакллантириш, ўқитишнинг замонавий усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш зарур.

Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти "Мактабгача ва бошланғич таълим" кафедраси бошланғич синф ўқитувчиларининг малакасини ошириш мақсадида "Математика", "Ўқиш", "Она тили", "Табиатшунослик", инновацион технологиялар, бошланғич синфларда интеграциялашган таълим ва ахборот технологиялари фанларини юқори савияда ташкил этмоқда. Ушбу фанларни ўқитиш орқали бошланғич синф ўқитувчиларининг малакаси оширилмоқда.

Умуман, форумда кафедранинг бошланғич таълимда мавжуд муаммо ва ечимларга бағишланган "Бошланғич таълимда ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятлари", "Бошланғич таълим дарслари жараёнига замонавий ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш", "Ўқувчилар фаоллиги – таълим самарадорлиги омили", "Бошланғич таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишга замонавий ёндашув" каби бир қатор мақола ва тезислар билан иштирок этиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, вилоятдаги тажрибали ўқитувчилар иштирокида давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилиб, форумга таклиф ва мулоҳазалар тайёрланмоқда.

Шаҳриниссо МИРЗАҲМАТОВА,
институт профессори,
"Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим" кафедраси мудири.

❑ Соғлом авлод – юрт келажаги

ЯХШИЛАР ДУНЁНИ АСРАЙДИ

"Дунёда яхши одамларнинг борлигига шукр..." Эрталабдан кўнгли ёришиб, кўзларида умид учқунлари порлай бошлаган Хосият каравотида енгил нафас олиб ухлаётган ўғлининг пешонасидан ўпиб қўйди. "Қўрқитиб юбординг-ку, болам..."

Рўзғор ишлари билан андармон бўлиб, боласига вақтида қаролмагани учун ўзини ич-ичида койий бошлади. "Агар, Ҳимматой вақтида етиб келмаганида нима бўларди..."



Бахтга қарши юрак хасталиги билан туғилган ўғилчаси мана 6 йилдирки шифокорлар назоратида. Патронаж ҳамшираси Ҳимматойнинг меҳрибонлигини айтмайсизми?! "Тез кунларда кўрмагандек бўлиб кетади", деди-я...

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт ходимлари қаторида, эътиборга, моддий ва маънавий кўмакка муҳтожлар аҳволидан хабар олиб турган "Соғлом авлод учун" хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали шифокор ва ҳамшираларининг фаолияти ҳам алоҳида эътиборга молик. Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий патронаж тизимининг 20 йиллиги муносабати билан "Соғлом авлод учун" фонди ўтказган "Соғлом авлод – юрт келажаги" мавзуидаги вилоят конференциясида аҳоли саломатлиги йўлида фонд томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида сўз борди. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистонда аҳоли репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорлари асосида фонд томонидан самарали ишлар олиб борилмоқда.

Вилоят бўйлаб кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси хизмати мунтазам йўлга қўйилган. Шаҳар, туманларда, айниқса, чекка қишлоқларда фертиль ёшидаги аёллар, вояга етмаган қизлар ва болалар малакали мутахассислар томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда, зарур дорилар билан таъминланмоқда. Жумладан, вилоятимизнинг 418 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 5 минг 19 та оилаларда шундай тиббий текширишлар олиб борилди. Улардаги ижтимоий шароит, психологик муҳит ўрганилди. 11 минг нафардан зиёд туғиш ёшидаги ва кекса аёллар, 62 минг 36 нафар болалар, 4 минг 695 нафар ўсмир, уларнинг 4 минг 678 нафари ўсмир қизлар, 2 минг 167 эркак ва 409 ногиронга зарур тиббий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, чет эл ва республика клиникаларида юрак, лаб-танглай ва ортопедик нуқсони бор болаларни даволашда камарбаста бўлаётган фонд ходимлари хизматидан, айниқса, ота-оналар миннатдор бўлмоқда.

Конференцияда Қизил Ярим ой жамияти, "Маҳалла", "Нуроний", "Камолот" каби ташкилотлар хизмати ҳам эътироф этилиб, келгусида бу борадаги ҳамкорлик янада ривожлантирилиши таъкидланди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева сўзга чиқди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Даврон АҲМАД олган сурат.

❑ Тадбир

Бўстонлиқ туманидаги "Аллюр" от спорти мажмуасида "От спорти ва аёл саломатлиги" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.



ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ ТАШАББУС

Спорт, айниқса, аёллар ва болалар спортини янада ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, хорижликларни мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган тадбирда республикамиздаги дипломатик корпус вакиллари, шаҳар ва туман ҳокими ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мулоқотда сўзга чиққанлар республикамизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирокини таъминлаш ва оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришда аёлларнинг ролини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр юритдилар.

Тадбирда, шунингдек, мустақиллик йилларида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маърифий соҳаларда эришилган ютуқлари, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрий ҳужжатларнинг ижроси, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни оммавий спортга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан атрофлича маълумот берилди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда бу каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Тадбир доирасида иштирокчилар "Аллюр" от спорти мажмуаси фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Файзиева иштирок этди.

Аваз ИСРОИЛОВ.
Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

МАСЛАКДОШЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Бошланиши 1-бетда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг энг яқин ёрдамчи ва маслакдоши бўлишдек шараф ҳар бир матбуот ходими зиммасига катта масъулият юклайди. Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган матбуот органлари, интернет нашрлари ҳам ана шу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда фаолият юритмоқда. Вилоятда рўйхатдан ўтган 60 та даврий босма нашрларда ҳаётга чуқур кириб бориб, жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг туб моҳияти ва аҳамиятини замон талаблари даражасида очиб беришга интилаётган фидойи журналист, малакали мутахассислар фаолият олиб бормоқда. Шу жумладан, туман, шаҳар ҳокимликлари муассислигидаги 23 та даврий нашрлар ҳам аҳолининг кенг қатламларига кириб бормоқда.

Истиқлол йилларида юртимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш йўлида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар вилоятимиз миқёсида ҳам юксак самара берди. Айниқса, "Ангрен ҳақиқати", "Бўстонлиқ овози", "Бўстонлиқ даусы", "Халқ овози" (Бўка), "Оҳангарон ҳаёти", "Олмалиқ ҳақиқати", "Алмалыкский рабочий", "Паркент тонги", "Чирчиқ тонги", "Эркин сўз", "Юқори Чирчиқ ҳаёти" каби газета таҳририятлари барча қулайликларга эга, замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган биноларда фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, "Оҳангарон ҳаёти", "Олмалиқ ҳақиқати", "Юқори Чирчиқ ҳаёти", "Чирчиқ тонги", "Янгийўл" каби ўнлаб газета таҳририятлари республика миқёсида ташкил этилаётган нуфузли танловларда давлат грантларини қўлга киритиб, ўз моддий-техник базасини мустаҳкамлаб олди. Бу каби таҳририятларда ҳар бир ижодий ходим учун алоҳида компьютер жамланмалари ва бошқа техника воситалари ажратилган. Ана шундай юқори даражада моддий-техник имкониятга эга бўлиш натижасида вилоятимизда газетхонлар, обуначилар мунтазам равишда кўпайиб боришига эришилмоқда. Газеталардаги "Муносабат", "Қонун ва ижро", "Огоҳлик – давр талаби", "Қадрият", "Муаммо ва ечим", "Шу куннинг мавзуси" каби рукнлар остида берилаётган мақолалар газетхон эътиборини тортаётгани, бу ўз навбатида, жамият тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганини таъкидлаш жоиз.

Мухтасар айтганда, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, ҳаётимиз кўзгуси бўлган матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари бундан буён ҳам мустақиллик йилларида эришган ва эришаётган ютуқларимизни тезкор ва ҳаққоний ёритишлари, доимо олдинги сафларда бўлишлари шубҳасиз.

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи.

БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ПАЛЛАСИ

Комбинатда истиқлол йилларида кўпгина янги турдаги арматура, швеллер, бурчакли пўлатлар, рангли металлар ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилди. Мис ва унинг қуймаларидан прокатлаш технологияси ҳам самарали ўзлаштирилди.

Модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Натижада, маҳсулот ишлаб чиқариш тобора кўпайиб бораётир. Агар 1998 йилда 349 минг тонна пўлат эритилиб, 322 минг тонна прокат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, сўнгги йилларга келиб, 746 минг тонна пўлат эритилиб, 718 минг тонна прокат маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилди. 2016 йилнинг дастлабки 4 ойи натижалари янада салмоқли бўлди. Режадаги 205 минг 339 тонна ўрнига 217 минг 739 тонна пўлат эритмаси олиниб, 235 минг 100 тонна прокат маҳсулотлари тайёрланди.

Мустақиллик йилларида металлурглар ва уларнинг оила аъзолари дам олишлари, соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун ҳам намунали шароитлар яратилмоқда. Чунончи, "Чорвоқ" сув омбори бўйида бунёд этилган "Металлург" сиҳатгоҳида комбинат ишчилари ва уларнинг оила аъзолари йил давомида мазмунли ҳордиқ чиқаришаяпти. Шу яқин атрофда комбинатимизнинг "Ёшлик" болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳам ишлаб турибди. Шуниси эътиборлики, замонавий услубда қурилган оромгоҳ йилнинг тўрт фаслида ҳам болаларни ўз бағрига қабул қилади.

Умуман, бунёдкор жамоамиз кўмаги билан Бекободда теннис корти, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, 15 минг томошабинга мўлжалланган "Металлург" марказий стадиони, "Ёшлик" спорт мажмуаси, "Ёшлар маркази", "Бахт уйи" тўйхонаси, "Металлург" супермаркети, "Саховат уйи", тиббиёт касб-ҳунар коллежи, юқумли касалликлар шифохонаси, ёш оилалар учун иккита кўп қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шаҳардаги 17 та ўрта мактаб, барча тиббиёт муассасалари, "Металлурглар" маданият саройи, "Баркамол авлод" болалар истироҳат боғи қайтадан таъмирланди.

Шунингдек, Бекобод тумани марказий ва болалар шифохоналари, поликлиника мукаммал таъмирланди ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари, техника ва иқтисодиёт коллежи, "Зафар" шаҳарчасида истироҳат боғи қурилди.

Комбинатдаги янгиланишлар, модернизация жараёнлари мазмун-моҳияти билан жонажон Ватанимиз равнақига, азизу мукаррам бўлган инсон ва унинг манфаатларига қаратилган. Бундай кенг қамровли ислоҳотлар комбинат ишлаб чиқариш қуввати ошишига, меҳнат аҳли реал даромадларининг ўсишига, янги иш ўринлари яратилишига, пировард натижада эса, ҳур ва озод юрт ободлиги ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигига хизмат қилади.

Рашид ПИРМАТОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси, "Ўзметкомбинат" АЖнинг истиқболли ривожланиш ва инвестициялар бўйича директори.

ФАХРУ ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ

Президентимиз 1992 йилнинг 2 июлида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги Қонунга имзо чекди. Шу кундан эътиборан гербимиз тасвири мамлакатимиздаги барча давлат ташкилоти бинолари пештоқига ўрнатилди. Муҳрлар ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрларда, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғозлар ва фуқаролик паспортидан жой олди.

Ҳар йили шу сана муносабати билан жойларда турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялашга йўналтирилган давра суҳбатлари ўтказиш анъанага айланган.

ЎзМТДП вилоят кенгаши ташаббуси билан Ўрта Чирчиқ тумани "Меҳржон" болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида гербимиз қабул қилинган кун муносабати билан "Ватанимиз рамзлари – миллий ғуруримиз" лойиҳаси доирасида "Гербимиз – фахримиз" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлат рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарога ғурур, фахр-ифтихор бағишлаши ҳақида гапирдилар.

– Бу каби тадбирлар ёшларда, аввало, ватанпарварлик туйғусини кучайтиришга, уларда дахлдорлик ҳиссини оширишга хизмат қилади, – дейди ЎзМТДП вилоят кенгаши девони раҳбари Ш. Насимов.

Давра суҳбати давомида ёшларга давлат рамзларининг аҳамияти билан бир қаторда, "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонун ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбир сўнгида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Бошланиши 1-бетда.



Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

❑ Агар огоҳ сен...

Халқимиз "Ўт балосидан, сув балосидан ўзинг асра" деган гапни бежиз айтмаган. Чунки, ҳар икки офатдан ҳам инсоният мисли сиз зарар кўрган. Айниқса, "тилсиз ёв" – ёнғин ғоят хатарлидир.

ХАРАЖАТ БЕСАМАР, ҲАРАКАТ ЗОЕ КЕТМАСИН


Таъкидлаш жоизки, янги қурилишларда бир қарашда ёнғин эҳтимоли камдек туюлса-да, аслида ундай эмас. Айниқса, қурилиш ишлари тугалланиши арафасида бу хавф юқори бўлади. Негаки, бу пайтда қаватлар ораси очиқ бўлиб, деворларга маҳкамланган мебель ва жиҳозлар, шунингдек, ёнувчан қадоқлаш қолдиқлари ҳамда девор ва шифтларнинг безаги каби ёнғин келтирувчи омиллар мавжуд бўлади. Таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, қурилиш вақтида ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг бузилиши, бетартиб хатти-ҳаракат, жиҳозларни сақлаш меъёрига амал қилмаслик бу фалокатга сабабчи бўлиши мумкин. Қанча харажат, қанча ҳаракат зое кетади, гўзал табиат озор чекади. Шундай экан, ёнғин чиқиши мумкин ҳолатларда ўта ҳушёр бўлайлик.

Абдулазиз АЛИМАТОВ,
Зангиота тумани ИИБ ЁХБ бўлим бошлиғи.

Она-юрт манзиллари

Енгил автомашина Бўстонлиқ туманининг кафтдек текис йўлларида елдек учиб, Хумсон қишлоғига яқинлашгани сайин руҳиятида қандайдир енгиллик ҳис эта бошлайди киши. Тоғнинг қуёш нурлари остида жилва қилиб турган бетакрор манзараси, жилғаларнинг сирли шивири, тоғ бағридан қуйига шарқираб оқаётган зилол сув, вужудни яйратувчи тоза ҳаво кишини оҳанрабодек ўзига тортади. Бу ернинг табиати ўзгача, суви ҳаётбахш, ҳар бир гиёҳи минг дардга даво.


ЖИЛҒАЛАР ШИВИРИГА ҚУЛОҚ ТУТИБ...



Хусусан, бу ердаги "Хумсон" санаторийсида асаб, юрак, қон-томир ва ҳаракат-таянч тизимлари, нафас йўллари касалликлари самарали даволаниши бежиз эмас.

16,5 гектар майдонни эгаллаган санаторий ҳудудига қадам босар экансиз, бу ернинг кўркига маҳлиё бўласиз. Чўққилар билан бўйлашаман, деб кўкка бўй чўзган юзлаб мевали ва манзарали дарахтлар, ифор таратиб турган гулзорлар бора-боргунча сизга ҳамроҳ бўлади. Шарт-шароитлар барчага манзур бўладиган даражада. Шу сабабли бу ерда ҳар йили 5000 дан зиёд одам дам олиб, соғлиғини тиклаб қайтади.

– Даволашда замонавий ташхис, физиотерапия, жисмоний бадантарбия машқлари, массаж, фитотерапия, парҳез усулларидан фойдаланамиз, – дейди "Хумсон" санаторийси давлат унитар корхонаси раҳбари Шомамат Паянов. – Шунингдек, дам олувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига алоҳида эътибор қаратамиз. Кутубхона, ёзги ва қишки томошагоҳимиз бор. Тез-тез концертлар қўйиб турилади. Теннис хоналари, рақс майдони, шарқона чойхона, суратхона, фитобар, сув ҳавзаси даволанувчилар хизматида. Шунингдек, тоғ ёнбағирлари ва Бўстонлиқ туманининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ҳам кўпчиликка манзур



бўлмоқда. 2011 йилда бу ерда 166 ишчи ва тиббиёт ходими хизмат қилган бўлса, уларнинг сони ҳозир 211 нафарга етди.

"Табиатнинг ўзи даво" деган гап айни ҳақиқат. "Хумсон" санаторийсидаги ҳавонинг кислородга тўйинганлик даражаси Кисловодск курортидагидан 11 фоиз юқорилигини олимлар анча олдин аниқлашган-

ди. Шундоққина санаторий ёнидан оқиб ўтувчи Угом дарёсининг суви эса гидрокарбонатли кальций, натрий минералларига бой экан.

– Дардимга шу ерга келиб даво топдим, – дейди фарғоналик Қаҳрамон Раҳмонов. – Ўн йилдан бери қатнайман. Бу ернинг ҳавоси бебаҳо, шароитларига гап йўқ, шифокорларнинг қўли енгил. Ўзимни дарддан бутунлай фориғ ва руҳан тетик сезаяпман. Бу, шубҳасиз, она табиатимизнинг шифобахш мўъжизасидир.

Суҳбатга қўшилган самарқандлик Сирожиддин Ашуров мазкур муассасага 20, қорақалпоғистонлик Бердимурод Калонбеков, Гулсара Айтмуротова 10 йилдан бери канда қилмай келаётганларини айтишиб, уни тоғ бағридаги мўъжиза, деб таърифлашди.

Талабга яраша имкониятлар ҳам кенгайиб бормоқда. 2011-2014 йиллар ичида 13-, 14-, 15-, 16-коттеж бинолари қурилди. Натижада, бундан беш йил аввал ўринлар 364 та бўлса, ҳозирга келиб 480 тага етди. 2011 йилга нисбатан иш ўрни 45 тага кўпайиб, коллеж битирувчиларининг бандлиги таъминланди. Ҳадемай, туз ҳавоси билан даволаш хонаси ташкил этилади. Натижада, яна 6 та янги иш ўрни яратилади. Шу йили 9-коттежнинг 58 ўринли ётоқ биноси қурилди. Жами 116 та янги 2-3 ўринли ётоқхоналар ишга тушди. Даволаш биноларининг барча хоналари қайтадан таъмирланиб, замонавий тиббиёт ускуналари ўрнатилди. Шунингдек, спорт залига замонавий тренажёрлар харид қилиниб, дам олувчилар ихтиёрига топширилди. Ҳудудга ўзгача кўрк бериш мақсадида турли рангда товланувчи 2 та фаввора қурилди. Бош ётоқ биносининг иккинчи қаватидаги 65 ўринли 26 та хона, ошхона таъмирланди, йўллар қайтадан асфальтланди. Хуллас, санаторий бир пайтнинг ўзида 480 дам олувчини қабул қилиш имкониятига эга бўлди.

Даволанувчилар бош шифокор Гавҳар Садриддинова, врач-физиотерапевт Шоҳида Рустамова, врач-кардиолог Панжи Жўраев, шунингдек, ўрта тиббиёт ходимлари Гулмира Ашурова, Муҳайё Назарова, Назирахон Сайидқосимова хизматидан беҳад мамнунлар.

Жилғалари тинимсиз шивирлаб, гўё барчага саломатлик тилайдиган, тоза ҳавоси минг бир дардни аритадиган бу гўшага келган киши она табиатнинг нақадар моҳир табиб эканига яна бир бор амин бўлади.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар диққатига!

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олишга

ТЕНДЕР (КОНКУРС) САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Тендер (конкурс)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан нарх-наво преференциялари берилади.

Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили	Банк реквизитлари
Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Чўпонота кўчаси, 7-уй. Тел.: (8-371) 250-40-56, 250-29-81, элек.почта: tvssb1@inbox.uz. akbar1109@inbox.uz	Молия вазирлигининг ғазначилик умумий ҳисоб рақами: 23402000300100001010 Тошкент шаҳар марказий банки бош бошқармаси МФО 00014. ИНН 201122919 л/с: 40012186027287795010005400 1 (тендер ҳужжатларини олиш) л/с: 40012186027287795010005400 1 (гаров пули ўтказишга шартномалар тузиш учун) л/с: 10002186027287707213005400 1 (маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш учун) ИНН 200555593, ОКОНХ 97400.

Тендер (конкурс) предмети:

– шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари, тиббий ашёлар ва сарфлов материаллари, дезинфекцияловчи ва антисептик воситалар жами бўлиб 44 турдаги дори-дармон тиббий ашёлари.

Харид қилинаётган товарларнинг максимал нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

Етказиб бериш шартлари:

– барча етказиб берувчилар учун: Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан белгиланган жойдаги омборларга тайёр маҳсулотлар етказиб беришлари шарт.

Етказиб бериш муддатлари: тендер савдолари ва тендер ҳужжатлари бўйича маълумотларда акс эттирилади.

Тендер (конкурс) бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер савдоларида иштирок этиш учун талабгорларнинг малакали танлови ўтказилади.

Тендер (конкурс) ҳужжатларининг сотиб олиш баҳоси 100000 сўм ва закалат (тендер таклифи кафолати) миқдори берилаётган таклифи миқдорига қараб таклифнинг 5 фоизигача миқдорини ташкил этади.

Тендер (конкурс) ҳужжатлари учун тўлов ва закалат тўлови пул ўтказиш йўли билан Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг юқорида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Тендер (конкурс) таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати 2016 йил 5 август, соат 15.00 (маҳаллий вақт билан)гача.

Тендер (конкурс) савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган реквизитлар бўйича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этишингиз мумкин.

Реклама ва эълонлар

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2016 йил 3 август соат 10.00 да очиқ тендер ўтказилади

1. ВХ-403 й.т. "Хондайлиқ қишлоғи-Ғазалкент АШБ-Чирчиқ АББ"
2. ВХ-504 й.т. "Чирчиқ АББ-Ғазалкент АШБ (Бараж орқали)"
3. ВХ-508 й.т. "Қибрай туғуруқхонаси-Крупский қўрғони"
4. ВХ-509 й.т. "Чирчиқ АББ-ТТЗ АШБ"
5. ВХ-524 й.т. "Қибрай АШБ-Чирчиқ АББ"
6. ВХ-527 й.т. "Чирчиқ АББ-Қўйлиқ АШБ"
7. ШИ-26 й.т. "2-Азотчи-Ҳарбийлар шаҳарчаси"
8. ВХ-313 й.т. "Оққўрғон почта бўлими-Қаҳрамон ф/у."
9. ВХ-314 й.т. "Дўстобод-Янгийўл (Анарқулов бекати)"
10. ВХ-318 й.т. "Йилқичи МФЙ-Қўйлиқ АШБ"
11. ВХ-299 й.т. "Дўстобод АШБ-Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)"
12. ВХ-606 й.т. "ЗАФАР АЧСБ-Бекобод (Ўзбекистон ф/у орқали)"
13. ВХ-607 й.т. "Зафар АЧСБ-Мавлонов ф/у"
14. ШИ-7 й.т. "УМК бозори-Тўғон божхона пости" (Бекобод ш.)
15. ВХ-630 й.т. "Қўйлиқ-М2-4-шаҳар қабристони"
16. ВХ-634 й.т. "Пискент хизмат кўрсатиш ва технологиялар касб-ҳунар коллежи-Олмалиқ БТИ"
17. ВХ-315 й.т. "Алимкент қўрғони-Бўка АШБ" (Ўзбекистон ф/у орқали) (такрорий)
18. ВХ-316 й.т. "Бўка-Гулистон ф/у" (Кўкорол орқали) (такрорий)
19. ВХ-317 й.т. "Бўка-Қашқадарё ф/у" (Т. Ражабов орқали) (такрорий)
20. ВХ-398 й.т. "Бекобод АББ-Зафар АЧСБ" (такрорий)
21. ВХ-398 й.т. "Зафар АЧСБ-Бекобод АББ" (такрорий)
22. ШИ-2 й.т. "УМК бозори-Киров қўрғони-16-сонли мактаб" (такрорий)
23. ШИ-3 й.т. "Темир йўл вокзали-УМК бозори-12-, 13-даҳалар-Марказий шифохона-Темир йўл вокзали" (Бекобод ш.) (такрорий)
24. ШИ-3а й.т. "Темир йўл вокзали-Марказий шифохона-12-, 13-, 14-даҳа-УМК бозори-Темир йўл вокзали" (Бекобод ш.) (такрорий)
25. ШИ-4 й.т. "УМК бозори-Фарҳод маҳалласи" (Бекобод ш.) (такрорий)
26. ШИ-5 й.т. "Ширинсой-УМК бозори орқали-13-даҳа, 90-уй" (Бекобод ш.) (такрорий)
27. ШИ-6 й.т. "УМК бозори-ЭСПК орқали-БМУ корхонаси" (Бекобод ш.) (такрорий)
28. ВХ-241 й.т. "Улуғбек маҳалласи-Ширин АШБ" (такрорий)
29. ВХ-226 й.т. "Янгийўл АШБ-Чилонзор буюм бозори" (такрорий)
30. ВХ-279 й.т. "Тинчлик ф/у-Жанубий вокзал АШБ" (такрорий)
31. ВХ-282 й.т. "Янгийўл деҳқон бозори-Халқобод-Штаб канали" (такрорий)
32. ВХ-339 й.т. "Олмалиқ АШБ-Қизилой қишлоғи" (такрорий)
33. ВХ-283 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори-Қуштепа маҳалласи" (такрорий)
34. ВХ-299 "Дўстобод АШБ-Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)" (такрорий)
35. ВХ-299 "Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)-Дўстобод АШБ" (такрорий)
36. ВХ-370 й.т. "Янгибозор АШБ-Кавардон қишлоғи" (такрорий)
37. ВХ-374 й.т. "Паркент АШБ-Сўқоқ қишлоғи" (такрорий)
38. ВХ-349 й.т. "Олға қишлоғи (Қурсой)-Жумабозор" (такрорий)
39. Битта пакет билан:
ВХ-332 й.т. "Олмалиқ АШБ-С. Раҳимов ф/у."
ВХ-335 "Оҳангарон АШБ-Тут қишлоғи"
ШИ-12 й.т. "МБФ бекати-Сартамғали қишлоғи" (Олмалиқ ш.) (такрорий)
40. Битта пакет билан:
ШИ-5 "ЎзКТЖМ-8-кичик ноҳия" (Чирчиқ ш.)
ШИ-10 "2-кичик ноҳия-Айланма" (Чирчиқ ш.)
ШИ-15 "8-кичик ноҳия-5-фермерлар уюшмаси (шаҳар парки)" (Чирчиқ ш.)
ШИ-18 "КСМ-5-фермерлар уюшмаси" (Чирчиқ ш.)
ВХ-515 й.т. "Қибрай АШБ-Чилонзор буюм бозори"
ВХ-214 "Янги авлод маҳалласи-Жалоир маҳалласи" (такрорий)
41. Битта пакет билан:
ВХ-338 "Олмалиқ АШБ-М. Ўзбекистон ф/у"
ВХ-600 "Бўка АШБ-Қизил юлдуз бўлими"
ВХ-391 й.т. "Бўка АШБ-Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
42. Битта пакет билан:
ВХ-393 "Бўка АШБ-Саймоқов ф/у"
ВХ-397 "Бўка АШБ-Олмалиқ АШБ (Қўштепа орқали)" (такрорий)
43. Битта пакет билан:
ШИ-22 й.т. "8-кичик ноҳия-Пойабзал фабрикаси" (Чирчиқ ш.)
ВХ-529 й.т. "Чирчиқ АББ-Узумзор маҳалласи" (такрорий)
44. ШИ-9 й.т. "Аммофос ОАЖ-Марказий бозор" (Олмалиқ ш.) (такрорий)
45. ВХ-531 й.т. "Чирчиқ АББ-"С. Нажимов" божхона пости" (такрорий)
46. Битта пакет билан:
ВХ-505 й.т. "Чирчиқ АББ-Хўжақўрғон қишлоғи"
ВХ-570 й.т. "Чирчиқ АББ-Фиштқўприк маҳалласи" (такрорий)
47. Битта пакет билан:
ВХ-504 "Ғазалкент АШБ-Чирчиқ АББ (Бараж)"
ВХ-521 "Чирчиқ АББ-Қибрай АШБ-Қибрай туғуруқхонаси (Байтқўрғон орқали)"
ВХ-523 "Октябрь бозори-Мой қишлоғи-Машинасозлар АШБ"
ВХ-545 "Чирчиқ АББ-Ғазалкент (Енбек)"
ВХ-514 й.т. "Чирчиқ АББ-Янгибозор АШБ" (такрорий)
48. Битта пакет билан:
ВХ-223 "Янгиовул ҚФЙ-Чирчиқ АББ"
ВХ-506 "Бирлик қишлоғи-Чирчиқ АББ"
ВХ-508 "Чирчиқ АББ-Қоратухум қишлоғи" (такрорий)
49. Битта пакет билан:
ШИ-1 й.т. "Айланма (Кольцевая)" (Чирчиқ ш.)
ШИ-11 й.т. "Катта Айланма" (Чирчиқ ш.)
ВХ-574 й.т. "Чирчиқ АББ-Чилонзор буюм бозори"
ВХ-504 "Чирчиқ АББ (Бараж)-Ғазалкент АШБ" (такрорий)
50. ВХ-444 "Тошовул қишлоғи-Қўйлиқ АШБ" (такрорий)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб кўрикдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашчи учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер қатнашчиларидан Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўналишлар бўйича йўналишларга таклиф этиладиган транспорт воситалари автобус ва микроавтобус турида бўлиши талаб этилади.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 7-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ҳисоб рақамига АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Қибрай бўлими, х/р: 20210000104661167001 (банк коди 00884, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га 296 минг 730 сўм миқдорида пул ўтказиб, 2016 йил 29 июль соат 17.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2016 йил 2 август соат 17.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 7-уй. Маълумот учун телефон: (+99871) 279-39-22.

ОДАМЛАР, АВАЙЛАНГ БИР-БИРИНГИЗНИ...

Дунёда касбу ҳунарлар кўп. Ҳар ким танлаган касби орқали ўз мақсадлари томон интилади. Ўз ишининг устаси, фидойиси бўлган инсон элда, албатта, эъзоз топади. Бундайларни, одатда, касбидан барака топганлар, дея алқашади.

Қишлоқдан мактублар



Менинг суюкли бобожоним, таниқли журналист Суннат Сайдалиевни ҳам чинакам касб фидойиси, десак адашмаймиз. Улар ҳамкасблари учун содиқ дўст, шогирдларига ғамхўр устоз, бувижонимиз учун вафодор умр йўлдош, фарзандлари учун эса меҳрибон отадирлар.

Бобожоним мана шу бетакрор ва фусункор маскан – Тошкент вилоятининг фарзанди. Ўзларининг айтишларича, мактабда аълочи бўлган эканлар. Сўнгра Низомий номидаги Тошкент Давлат университетини тамомлабдилар. Журналистикага қизиқиш ўсмирлик чоғлариданоқ бошлангани учун, ўз иш фаолиятларини матбуот билан боғлаганлар. Аввалроқ "Бир сафда" журнали, "Тошкент бинокори" газетасида қалам чархлаган бобожоним 1973 йилдан "Қишлоқ ҳаёти" газетасида самарали меҳнат қилиб келганлар.

– Ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, шу даргоҳда эришдим, – деб кўп айтадилар бобожоним. – Бу таҳририятда бири-биридан дилкаш, самимий, ўзи ҳам, қалами ҳам ўткир инсонлар билан ишладим, меҳр-оқибат кўрдим. Қаламга таяниб, оила қурдик, рўзғор тикладик. Меҳрибон умр йўлдошим Маҳбубахон билан 5 фарзандни вояга етказдик. Ижодим гуллаб-яшнади, эътироф топди...

Дарвоқе, бобожонимнинг уч фарзанди матбуот, ноширлик соҳаларини танлашган. Хусусан, адажоним Ҳикматилла Сайдалиев ҳам ота касбини эъзозлаб келмоқдалар. Яхши фарзанд каби, яхши шогирдлар ҳам инсон умрининг безаги экан. Билсангиз, бобожонимнинг жудаям шогирдлари кўп. Улар эл-юртимиз равнақи, ўзбек матбуоти ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшишаяпти.

Бобожонимнинг "Йўл очерклари", "Кўнгил мулки устунлари" каби бир қанча китоблари чоп этилган. Ношир ва муҳаррир сифатида кўплаб ҳамкасблари, шогирдларининг рисолаларини нашрга тайёрлашга ҳам бош-қош бўлганлар.

Матбуот соҳасидаги хизматлари давлатимиз томонидан юксак баҳоланиб, 2008 йилда Президентимиз Фармонига мувофиқ, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвони билан тақдирланганлар.

Ўзлари ҳозир уйда, нафақада бўлишларига қарамай, бир лаҳза ҳам ижоддан тўхтаганлари йўқ. Биз, набираларга ўз ҳаёт йўллари, ибратли тажрибаларидан хўб ажиб ҳикоялар сўзлаб берадилар. Уларни тинглар эканмиз, ўзимизда бобожонимиз касбига кучли қизиқиш, кўникма шаклланиб бораётганини ҳис қиламиз.

Бобожоним ёзган китоблар, мақола ва суҳбатларни кўп варақлайман. Бир мақолаларини ардоқли шоирамизнинг мана бу сатрлари билан якунлаган эканлар:

– Одамлар, авайланг,
бир-бирингизни,
Гул ҳам, муҳаббат ҳам
тирикка керак...

Мен ҳам бир китобларига сарлавҳа қилинганидек, "Биздан яхши ном, эзгу иш қолсин", деган мақсад билан яшаётган бобожоним ҳақида ёзганларимни шундай якунлагим келди.

Мафтунахон СУННАТУЛЛАЕВА,
коллеж ўқувчиси.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан Оҳангарон шаҳридаги "Саховат" уйида "Кексаларни эъзозлаш – муқаддас бурчимиз" мавзуида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

САХОВАТ – БЕНАЗИР ҚАДРИЯТ

"Саховат – беназир қадрият" лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги вакиллари, нуронийлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг саломатлигини тиклаш, тиббий-ижтимоий, маиший хизмат кўрсатиш, таълим олиши, меҳнат қилиши учун зарур ҳуқуқий кафолатлар белгиланган.

– Кексалар, жисмоний имконияти чекланган инсонлар давлатимиз ва халқимизнинг доимий эътиборида, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Людмила Кошелапова. – Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида шундай тадбирлар ташкил этилаётгани бу ердаги инсонларнинг кўнглини кўтаради. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ёши улуғ инсонларнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлаш, аҳолининг ўзгалар кўмагига муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Санъаткорлар ижросидаги тинчлик, дўстлик ва Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар барчага байрамона кайфият бағишлади.

И. АВВАЛБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ОМАД КУЛИБ БОҚҚАНДА

Франция яшил майдонларида бўлиб ўтаётган Европа чемпионатининг чорак финал баҳсларига ҳам старт берилди. Чорак финалда бир томонда ҳали шу пайтгача мазкур мусобақада чемпионлик шоҳсупасига бирор марта ҳам чиқмаган жамоалар, иккинчи томонда эса қитъанинг энг кучли термалари баҳс олиб боришмоқда.

Чорак финалнинг дастлабки ўйини Португалия ва Польша терма жамоалари ўртасида кечди. Ўйинни фаол бошлаган поляклар кетма-кет ҳужумлар натижасида учрашувнинг 2-дақиқасидаёқ Роберт Левандовский томонидан киритилган гол эвазига ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Тезкор голдан сўнг ўйин суръати бир оз пасайди. Бундан унумли фойдаланган португалияликлар эса ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Кўплаб ҳужумлар самарасини бериб, учрашувнинг 33-дақиқасида Португалия термасининг энг ёш ва истеъдодли аъзоси Ренату Саншеш ўзининг терма жамоадаги илк голини киритиб, орадаги фарқни йўққа чиқарди.

Ана шу ҳисоб ўйиннинг охирига қадар сақланиб қолди ва навбат пенальтилар сериясига етиб келди. "Футбол лотереяси"да эса Португалиянинг омади чопди.

Шу тариқа, Роналду жамоадошлари ярим финалга йўл олган дастлабки терма жамоага айланди.

Мазкур учрашувга оид яна бир қизиқарли факт. Эътиборлиси, Польша бу йилги Европа чемпионати баҳсларининг асосий вақтида мағлуб бўлмаган ҳолда турнирни тарк этди.

Эслатиб ўтамиз, улар Украина ва Шимолий Ирландияни 1:0 ҳисобида енгди, Германия билан дуранг ўйнади (0:0) ҳамда Швейцарияни пенальтиларда енгиб, чорак финалга чиққан эди.

Кеча тунда эса мусобақа фаворитларидан бири сифатида эътироф этилаётган Бельгия термаси, Европа чемпионатлари дебютанти Уэльс термасига қарши баҳс олиб борди.

Ф. РАВШАНОВ.

Дарвоқе

Европа Футбол ассоциациялари уюшмаси – УЕФАнинг кутилмаган талаби юртимиздаги ашаддий футбол ишқибозларини бир оз ўйлантириб қўйди.

Ишқибозлар ранжимай турсин

Гап шундаки, халқаро нуфузли ташкилотнинг талабига биноан "Евро – 2016" мусобақаларини Ямал-401 сунъий йўлдоши орқали тўғридан-тўғри узатаётган UzReport телеканали мазкур намойишларни вақтинча тўхтатадиган бўлди. Бу ҳақда телеканал сайти хабар тарқатди.

Хабарда бунга сабаб сифатида сунъий йўлдош сигнали қўшни ва бошқа хорижий давлатлар ҳудудини ҳам қамраб олаётгани кўрсатилган.

Бу борада географик чеклов тизими жорий этилиши кўзда тутилган бўлиб, ана шундан сўнггина футбол мухлислари учрашувларни тўғридан-тўғри томоша қилиш имконига эга бўладилар.

Мадина ЗОКИРОВА.

ХЎЖАЙИННИНГ ОТАСИГА РАҲМАТ

(Ҳажвия)

Шаҳар йўл бошқармасининг бошлиғи Ҳалим Ҳалилович эндигина ишдан қайтиб келганди ҳамки, телефон жиринглаб қолди. Елкасига ташланган тўндан яна ҳам савлатли бўлиб кетган Ҳалим Ҳалилович такаббурлик билан гўшакни қулоғига тутди:

– Алло, бу Ҳалим Ҳалиловичнинг хонадонларими, илтимос, гўшакни ўзларига беринг.

– Мен Ҳалим Ҳалиловичман, гапиринг.

– Яхшимисиз, тинчмисиз хўжайин? – овоз эгаси ялтоқланди.

– Мақсадга ўт!

– Фалокат юз берди, фалокат, расво бўлдик! Эшитмадингизми, ҳокимимизнинг бир ойдан буён ўсал ётган оталари оламдан ўтибди.

– Худо раҳмат қилсин, чол бўлгандан кейин ўлади-да, ҳаммамиз ҳам қариб-қартайгач, бандаликни бажо келтирамиз.

– Аммо, биз чолнинг кетидан қаримасданоқ кетадиганга ўхшаб қолдик.

– Нега кетамиз, қаёққа кетамиз, ҳовлиқмасдан тушунтириброқ гапир. Жаноза қачон?

– Пешинда. У киши қўйиладиган қабристонга Чароғон кўчаси орқали борилади. Кўча қазиб ташланган, тизза бўйи тупроқ бўлиб ётибди. Бу ёқда ҳаво айниб турибди. Ёмғир ёғиб қолса борми, белгача лой кечиб, тобут кўтаришга тўғри келади. Устига-устак у кишиникига нуқул каттаконлар келишади, машиналари тиқилиб қолгудай бўлса, иккаламизнинг шўримиз қурийди-ку!

Ҳалим Ҳалилович овоз эгасининг кимлигини ҳам суриштирмай "тарақ" этиб гўшакни қўйди. Ранги оқариб, бароқ қошлари жаҳлдан уча бошлади. Бир оз ўйланиб тургач, шошилинч номер терди:

– Менга қаранг, Собиров! Зудлик билан Ҳуснобод кўчасида асфальт ётқизаётган кечки сменани Чароғон кўчасига ўтказинг!

– Бу кўча ўтган ойда битиши керак эди, бундай қилолмайман! – норози овоз эшитилди у ёқдан.

– Буйруқни бажаринг, тамом-вассалом, ким билан гаплашаётганингизни унутманг!

– Ҳозиргина иссиқ асфальт келганди, шуни...

– Ярим соатдан кейин ўзим ўша ерда бўламан, – гапни чўрт кесди Ҳалим Ҳалилович ва гўшакни қўйиб, янги рақамларни теришга тутинди.

– Инженер Касаткин эшитади.

– Юра, гап бундай, зудлик билан Чароғон кўчасига қўшимча асфальт ётқизадиган машина билан прожекторлар юбор. Хонаси шунақа бўлиб қолди, кўча шошилинч таъмир қилиниши керак. Баракалла, тушунган йигитсан-да ўзинг... Дарвоқе, машинада бизникига кел, бирга борамиз...

– Ҳалим Ҳалиловичларнинг машинаси Чароғон кўчасига киролмади. Машинани кўча бошида қолдириб, паст-баландликлар оша етиб келишганда, бу ерда иш қизиб кетганди. Икки машина, ўндан ортиқ ишчи берилиб ишлар, прожекторлар нуридан кўча кундузгидан ҳам ёруғ эди.

– Ҳалим Ҳалилович, бир йил бурун шу кўча аҳолисидан шикоят тушганди, – уларни қарши олди Собиров. – Вақти-соати бугун экан-да!

– Ҳа, Тўра Мардоновичнинг чўккан кўнгилларини кўтаришимиз керак. Қолаверса, қабристонни обод қилиш ҳар биримизнинг...

– Кечирасиз хўжайин, бу ер қабристон эмас, кўча! – Ҳалим Ҳалилович овоз чиққан томонга "ялт" этиб қаради, овоз жуда таниш эди, лекин овоз эгаси ўзини панага олди шекилли, кўринмади...

Тонггача кўча текисланди, у ер-бу ердаги дарахт тўнкалари қазиб олиниб, ўрни тўлдириб юборилди. Ҳалим Ҳалиловичнинг ташаббуси билан кўча четидаги дарахтлар оқланди ҳам. Қисқаси, уйқудан туриб, дарвозасидан чиққан чароғонликлар кўчасини танимаслиги, ўнгимми ёки ҳали ҳам туш кўраётибманми деб, ўзини чимчилаб кўриши аниқ.

Эрта тонг. Тўра Мардоновичнинг отаси яшайдиган уй дарвозаси ёнида "Ласетти" тўхтади. Ҳалим Ҳалилович машинадан тушиб, эгнидаги чанг-чунгни қоқди-да, атрофга олазарак қаради, кейин мамнун жилмайди. Ҳа, дуруст, ҳаммадан олдин келибди, бошлиқнинг назарига тушадиган бўлди. Сал кечикса, бу ерга кириб бўладими, ҳаммаёқни машина босиб кетади. У виқор билан юриб бориб, эшик қўнғироғини босди. Эшикни обдаста кўтарган Мардон бува очиб, саҳармардонлаб келган меҳмонга ҳайрат билан тикилди...

Ҳалим Ҳалилович саломлашишни ҳам унутиб, унга анграйиб қараркан, қулоғи остида заҳарханда кулгига тўла таниш овоз жаранглаб кетди.

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

Таассуф

УШАТИЛГАН ПАТИРНИ БУТЛАБ БЎЛМАЙДИ

Бу сафар суднинг қора курсисида уч норғул йигит. Улар Бекобод шаҳрида туғилиб ўсган Акмал Бобоқулов, Аҳмад Кулдашев, Тўлқин Юсупов.

Ҳали ўттизинчи баҳорини қарши олмаган бу азаматларни қай мақсад шу жойга етаклаб келди?

Ёшлик – умрнинг гул фасли. Афсуски, унинг қадрини билмайдиганлар, орзу-умидлар куртак очадиган олтин фурсатларни, йигитликнинг шукуҳли онларини кўра-била туриб барбод этадиганлар бор. Бир қўшиқда: "Ажаб, ёшликни не қилдим, фақат ҳасратда ўтказдим..." деб куйланганидек, бундайлар бебаҳо фаслнинг қадрини кеч, жуда кеч англаб етадилар.

Англаб етганларида эса сочига оқ, юзга ажин тушган, гулдек фурсатлар хазонга айланган бўлади. Ана шунда эҳтимол, тараллабедод кунларини эслаб, бой берган умрларига, қўлдан кетган фурсатларига ачинишар ҳам... Лекин, бу билан нима ўзгаради? Ахир, улар кутган, талпинган поезд аллақачон манзилга етиб борган-ку... Ушатилган патирни бутлаб бўлармиди?

Судда аниқланишича, 1988 йилда туғилган А. Бобоқулов жиноят содир этгунга қадар бирор тайинли ишнинг бошини тутмаган. Шундай бўлгач, айрим иродаси суст, аниқроғи, енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юришга ўрганган танбал тенгдошлари қатори бахтни ўз уйидан эмас, кўчадан излашга тушди. Шу мақсадда Россия Федерациясига иш излаб кетди.

Мусофирчилик одамни не кўйга солмайди, дейсиз. На юриш-туриши, на топиш-тутишининг тайини бўлмаган Акмал бегона юртда ўз ҳамшаҳари Аҳмад Кулдашев билан дарров топишиб олди. Уларни аслида бир мақсад топиштирди, дейилса ҳам хато бўлмас. Негаки, мафкуравий бузуқ бу кимсалар уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, "Жиҳодчилар" диний экстремистик ташкилоти сафига аъзо бўлиб кирган эдилар-да. Биласиз, бу каби тузилмалар бутун дунёда, жумладан, Ватанимизда ҳам мавжуд конституцион тузумни ағдариш, "халифалик" давлатини барпо этиш, давлатни умумэътироф этилган қонун-қоидалар асосида эмас, шариат кўрсатмаларига мувофиқ бошқаришни кўзда тутади.

Энг ачинарлиси, бу йигитлар ўз ғаразли мақсадлари йўлидаги тузоққа Ўзбекистондан борган ўз ватандошларини жадал илинтириш билан шуғулланиб келишган. Хусусан, ғоявий бузуқ, бошдан-оёқ экстремистик руҳ билан суғорилган аудио-видео материалларни кенг тарғиб этиш орқали ишлаш учун борган содда одамларни ўз манфаатлари йўлига оғдириш мақсадида ҳеч қандай қабиҳлик, маънавий пасткашликдан қайтишмаган.

Уларнинг домига илинган ёшлардан бири Бекобод шаҳрилик Тўлқин Юсупов бўлди. Москва шаҳрига ишлаш мақсадида борган Тўлқин ҳам жиҳодий йўналишдаги диний экстремистлар чангалига тушишини асло ўйлаб кўрмаган эди.

Асли ётоқ излаб эски ҳамшаҳарлари билан учрашган Тўлқин квартирага жойлашдию, бу ердаги қора муҳитга асир бўлди-қолди. Аравасига мингач, қўшиғини ҳам айтасан, деганлари шуда. Тергов жараёнларида Тўлқин Юсупов бу "кулба"да ҳар куни чамаллулла хонадошларининг: "Намоз ўқи, ҳижрат қилишимиз керак, Сурияга бориб кофирларга қарши "жиҳод" қилишимиз лозим" қабилидаги даъватларини тинглай-тинглай ёт оқимга қўшилиб қолганини инкор этмади...

Қилмиш-қидирмиш. Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг ҳукми билан Акмал Бобоқулов ва Аҳмад Кулдашевга қилмишларига яраша жазо тайинланди. Тўлқин Юсупов эса оилалик ва бир нафар нораснинг ёлғиз боқувчиси эканлиги, унинг жиноий гуруҳдаги иштирокида жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас, деб топилгани сабабли суд залидан озодликка чиқарилди...

Лавҳамиз ибтидосида ёшликни умр баҳорига менгзагандик. Аттанг, ҳавойи мақсад, пуч муддао йўлида уюшган навбатдаги тўданинг бу икки навқирони ёшлик умрининг ўттизинчи баҳорини темир қафас ортида кутиб оладиган бўлди.

Шукур МУРОДОВ.



Гап пулда эмас...




Миллиард долларни тасаввур қила оласизми? Кимдир сизга кутилмаганда шунча пул таклиф этиб қолса-чи?

АҚШнинг шоколад маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи энг йирик "Hershey" компанияси ўз рақобатчиси бўлган "Mondelez International"нинг бирикиш тўғрисидаги таклифини рад этди. Машҳур савдо белгиларига эга бўлган мазкур компания бунинг учун "Hershey"га нақ 23 миллиард доллар таклиф этган. Бу унинг ҳар бир акцияси учун 107 доллар нарх белгиланганини англатади.

Экспертларнинг таъкидича, мазкур музокара ижобий ҳал бўлиб, битимга эришилганида янги ташкил топган компания жаҳон қандолат бозоридаги энг йирик тузилмага айланган бўларди.

Антиқа ғилдирак

Британиялик Вильям Лидиард сайёрамизнинг тиниб-тинчимаган одамларидан. У машиналар учун исталган йўналишда ҳаракатланиш имконини берувчи ғилдираклар ихтиро қилганини расман маълум қилди.



Ихтирочининг сўзларига қараганда, у кашф этган ғилдираклардан фойдаланиш учун ҳеч қандай махсус модернизация талаб этилмайди. Боз устига, улардан ҳар қандай йўл ва об-ҳаво шароитида бемалол фойдаланиш мумкин.

Ҳамма томонга йўнала олувчи ғилдиракларнинг технологиясига оид барча маълумотлар ҳозирча сир тутилмоқда.

Малика Диананинг сирли суратлари

Маликалар маликаси Диананинг тўй кечасидаги номаълум суратлари намойиш этилди.



Малика Диана ва шаҳзода Чарльзнинг шу вақтгача ҳеч кимга ошкор этилмаган фототасвирлари жорий йилнинг 24 сентябрь куни Бостондаги аукцион уйида кимошди савдосига қўйиладиган бўлди, деб хабар тарқатмоқда хориж матбуоти.

Бу суратлар 1981 йилнинг 29 июль санасида тасвирга туширилган бўлиб, 7x5 ҳажмдаги рангли ва 10x8 ўлчамдаги оқ-қора суратларнинг ҳар бири бошланғич тартибда 1000-2000 доллардан баҳоланаётгани, бироқ улар аукционда 18-20 минг долларлардан сотилиши мумкинлиги айтилмоқда.

Эллик ёшли юлдуз

Оғир вазнли афсонавий боксчи Майк Тайсон ўзининг 50 ёшини қаршилади.

Бу санани жаҳон боксининг ашаддий ихлосмандлари ўзига хос тарзда нишонлашаётгани ҳақида ёзмоқда интернет нашрлари.

Чиндан ҳам, Тайсон номи дунё боксининг ўзига хос рамзига айланиб қолган. 1986 йил 20 ёшида супер оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони бўлган боксчи ўша пайтлардаёқ ёрқин спорт юлдузи сифатида танилиб улгурганди. Сабаби, унгача ҳеч ким бу ёшда бунақанги юксак поғонани қайд этмаган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-6380. Адади 7464. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 23.50.